

1828/5268 – وَعَنْهَا رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحِبُّ الْعَسَلَ وَالْحُلُوءَ، وَكَانَ إِذَا انْصَرَفَ مِنَ الْعَصْرِ دَخَلَ عَلَى نِسَائِهِ، فَيَدْتُو مِنْ إِحْدَاهُنَّ، فَدَخَلَ عَلَى حَفْصَةَ بِنْتِ عُمَرَ، فَاحْتَبَسَ أَكْثَرَ مَا كَانَ يَحْتَبِسُ، فَعَزَّتْ، فَسَأَلْتُ عَنْ ذَلِكَ، فَقِيلَ لِي: أَهَدَتْ لَهَا امْرَأَةٌ مِنْ قَوْمِهَا عُكَّةً مِنْ عَسَلٍ، فَسَقَّتِ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْهُ شَرْبَةً، فَقُلْتُ: أَمَا وَاللَّهِ لَنَحْتَالَنَّ لَهُ، فَقُلْتُ لِسَوْدَةَ بِنْتِ زَمْعَةَ: إِنَّهُ سَيَدْتُو مِنْكَ، فَإِذَا دَنَا مِنْكَ فُقُولِي: أَكَلْتَ مَعَاوِيرَ؟ فَإِنَّهُ سَيُقُولُ لَكَ: لَا، فُقُولِي لَهُ: مَا هَذِهِ الرِّيحُ الَّتِي أَحَدُ مِنْكَ؟ فَإِنَّهُ سَيُقُولُ لَكَ: سَقَّتَنِي حَفْصَةُ شَرْبَةَ عَسَلٍ، فُقُولِي لَهُ: جَرَسَتْ نَحْلُهُ الْعُرْفُطُ، وَسَأُقُولُ ذَلِكَ، وَفُقُولِي أَنْتِ يَا صَفِيَّةُ ذَلِكَ. قَالَتْ: تَقُولُ سَوْدَةُ: فَوَاللَّهِ مَا هُوَ إِلَّا أَنْ قَامَ عَلَى الْبَابِ، فَأَرَدْتُ أَنْ أُبَادِيَهُ بِمَا أَمَرْتَنِي بِهِ فَرَقًّا مِنْكَ، فَلَمَّا دَنَا مِنْهَا قَالَتْ لَهُ سَوْدَةُ: يَا رَسُولَ اللهِ، أَكَلْتَ مَعَاوِيرَ؟ قَالَ: «لَا». قَالَتْ: فَمَا هَذِهِ الرِّيحُ الَّتِي أَحَدُ مِنْكَ. قَالَ: «سَقَّتَنِي حَفْصَةُ شَرْبَةَ عَسَلٍ». فَقَالَتْ: جَرَسَتْ نَحْلُهُ الْعُرْفُطُ، فَلَمَّا دَارَ إِلَيَّ قُلْتُ لَهُ نَحْوَ ذَلِكَ، فَلَمَّا دَارَ إِلَيَّ صَفِيَّةُ قَالَتْ لَهُ مِثْلَ ذَلِكَ، فَلَمَّا دَارَ إِلَيَّ حَفْصَةَ قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللهِ، أَلَا أَسْقِيكَ مِنْهُ؟ قَالَ: «لَا حَاجَةَ لِي فِيهِ». قَالَتْ: تَقُولُ سَوْدَةُ: وَاللَّهِ لَقَدْ حَرَمْنَا، قُلْتُ لَهَا: اسْكُتِي.

1828.5268. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асални, ширинликни яхши кўра эдилар. Асрдан қайтишда аёлларининг ҳузурига кириб, улардан бирига яқинлашар эдилар. (Бир куни) Ҳафсанинг ҳузурига кириб, ҳар доимгидан кўра кўпроқ ушланиб қолдилар. Рашким келиб, бу ҳақда сўраб-суриштирган эдим, менга: «Қавмидан бир аёл унга (Ҳафсага) бир укка* асал ҳадя қилган, у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ўшандан бир ҳўплам ичирибди», дейишди. Шунда: «Аллоҳга қасамки, у зот учун бир ҳийла қилажакмиз», дедим. Кейин Савда бинт Замъага: «У зот сенга яқинлашадилар. Сенга яқинлашганларида: «Мағфир* едингизми?» дегин. Аниқки, у зот сенга:

«Йўқ», дейдилар. Сен у зотга: «Сиздан келаётган манави ҳид нима?» дегин. У зот сенга: «Ҳафса менга бир ҳўплам асал ичирганди», дейишлари тайин. Шунда сен у зотга: «Асалариси урфут* еган экан-да», дегин. Мен ҳам шундай дейман. Сен ҳам шундай дегин, эй Сафийя», дедим.

Савда: «Аллоҳга қасамки, сендан кўрқиб, буюрган нарсангни у зот эшик олдига келишлари биланоқ айтиб юборишимга сал қолган», дер эди.

У зот яқинлашганларида Савда у зотга: «Эй Аллоҳнинг Расули, мағфир едингизми»? деди. У зот: «Йўқ», дедилар. У: «Сиздан келаётган манави ҳид нима?» деди. У зот: «Ҳафса менга бир ҳўплам асал ичирганди», дедилар. У: «Асалариси урфут еган экан-да», деди.

Кейин айланиб, менинг олдимга кирганларида мен ҳам шунга ўхшаш гап айтдим. Сўнг айланиб, Сафийянинг олдига кирганларида у ҳам шундай деди. Сўнгра ўтиб, Ҳафсанинг олдига кирган чоғлари у: «Сизга ундан (асалдан) берайми?» деган эди, у зот: «Унга эҳтиёжим йўқ», дедилар.

Савда: «Аллоҳга қасамки, у зотни маҳрум қилиб қўйдик-да», деяётган эди, унга: «Жим бўл!» дедим».

Манба: hadis.islom.uz

